## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

(май 2019 йил)

***Доцент***
*Даволаш факультетига қарашли “2 сон ички касалликлар” кафедраси*
***Катта ўқитувчи***
*Даволаш факультетига қарашли “2-сон болалар касалликлари” кафедраси*
***Ассистентлар***
*Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Тиллар” кафедраси*
*Даволаш факультетига қарашли “Анестезиология ва реаниматология” кафедраси*
*Даволаш факультетига қарашли “Неврология” кафедраси*
*Даволаш факультетига қарашли “2 сон ички касалликлар” кафедраси*

**Ҳужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

## САНЪАТНИНГ ИНСОН ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

***Бугунги кунда инсон қалби ва онги учун кураш кетаётган бир пайтда мамлакатимизда юксак маънавиятли талаба-ёшларни тарбиялаш, уларни турли бузғунчи ғоялар хуружларидан ҳимоя қилиш онги ва тафаккурида юртга садоқат, Ватанга фидойилик каби фазилатларни ривожлантиришга эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда.***

Келажагимиз ворислари бўлган ёшларни эркин дунёқараш, қатъий ҳаётий позицияга эга қилиб тарбиялаш борасидаги амалий саъй-ҳаракатларимизда, ғоявий-мафкуравий муаммоларга оид таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларида айни шу масалаларни кенг ёритилиши, ёшларга тушунтирилиши натижасида ёшлар тафаккурида мамлакатимиз олдида турган энг муҳим мақсад ва вазифалар ҳақида аниқ билим ва тасаввурлар ҳосил қилиш мумкин.

Шу мақсадда Тошкент тиббиёт академиясида Ўзбекистон халқ артисти, Ёшлар мукофотининг совриндори, “Эл-юрт ҳурмати” ордени совриндори Саидкомил Умаров иштирокида маънавий-маърифий масалаларга бағишланган тадбир ўтказилди.

Тадбирда юздан ортиқ талабалар, профессор-ўқитувчилар қатнашди. Тадбирни Тошкент тиббиёт академияси Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори, профессор Т.Бобомуратов очиб, тадбир қатнашчиларини Саидкомил Умаровнинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти билан таништирди. Тадбирни ташкил этишда академиянинг “Педагогика ва психология” кафедраси жамоаси фаоллигини таъкидлаб ўтиб, Саидкомил Умаровга сўз берди.

С. Умаров ўзининг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти театр ва кино оламидаги ютуқлари ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди. Шу билан бирга Саидкомил Умаров ҳозирги кунда Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан санъатга, инсон омилига санъатнинг ўрни, аҳамияти масалаларига жиддий эътибор бераётганлигига алоҳида тўхталиб ўтди.

Анжуман қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди, айниқса Саидкомил Умаров ўз ижод намуналаридан парчалар, монологлар ижро этиши йиғилганларга манзур бўлди.

Тадбирда проректор Т.Бобомуратов ва “Педагогика ва психология” кафедраси мудири Р.Мелибаевалар сўзга чиқиб, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялашнинг ижтимоий-сиёсий мезонлари, маънавий омиллари, ҳозирги кунда ёшлар маънавиятига солинаётган таҳдидлар ва уларга қарши курашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тадбир иштирокчиларига сўзлаб берди. Тадбир иштирокчилари томонидан берилган саволларга жавоб берилди.

**Ф.УМАРОВА,**
**“Педагогика ва психология” кафедраси ўқитувчиси**

Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида малака ошириш тармоқ маркази раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари марказнинг “Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнини ташкил этиш ва сифатини ошириш” бўлимининг собиқ бошлиғи
**Римма Исаевна Айбушеванинг**
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS: **TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI**

MUHARRIR **TURDIQUL BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI: Q.Nizomov (Bosh muharrir o’rinbosari), O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov, D.Norgulov, L.Abduqodirova, D.Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV kompyuterida sahifalandi va Toshkent Tibbiyot akademiya RISOGRAFida 400 nusxada chop etildi. Manzilimiz: Toshkent shahri, Farobiy ko’chasi, 2-uy **Nashr uchun ma`sul Q. Nizomov**

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda 02-0049 raqam bilan ro’yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi mumkin. Maqolalardagi ma`lumotlar uchun mualliflar javobgardir

Бепул тарқатилади

Topshirish vaqti: 14.00

# TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI № 4 2019 YIL 23 APREL




## БУЮК СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР

***Амир Темур ибн Амир Тарағой ибн Амир Барқул Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳри яқинидаги Хожа Илғор қишлоғи (ҳозирги Яккабоғ тумани)да таваллуд топди. Ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли, марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида тарихда из қолдирган буюк бобокалонимиздир.***

*Амир Темурнинг онаси Такина хотун бухоролик. Отаси амир Тарағой эса барлос уруғининг оқсоқолларидан ҳамда Чиғатой улусининг эътиборли бекларидан ҳисобланган. Унинг аждодлари Кеш вилоятида ҳокимлик қилишган. Амир Темурнинг ёшлиги Кешда кечди. Етти ёшга тўлгач, отаси уни ўқишга берди. Амир Темур ёшлик чоғлариданоқ махсус мураббийлар назорати остида чавандозлик, овчилик, камондан нишонга ўқ узиш, бошқа турли машқ ва ҳарбий ўйинлар билан машғул бўлган. Шу аснода Амир Темур тулпорларни саралаб ажрата оладиган моҳир чавандоз ва довюрак баҳодир бўлиб вояга етган. Амир Темур табиатан оғир, босиқ, теран фикрли ва идрокли ҳамда ниҳоятда зийрак, кишилардаги қобилият, фазилат, айниқса, самимиятни тезда фаҳмлаб оладиган инсон бўлган. Амир Темурнинг ақлу заковати, шижоати ва шуҳрати уни Мовароуннаҳрнинг нуфузли амирларидан амир Хизр Ясовурий ва амир Қазағон билан яқинлаштирди. Хондамирнинг ёзишича, отаси амир Тарағой Амир Темурни аввал амир Жоку барлоснинг қизи Нурмушк оғога, сўнгра ўша йили Қазағоннинг набираси ва амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғога уйлантиради. Кейинги никоҳ туфайли Амир Темур билан Балх ҳокими амир Ҳусайн ўртасида иттифоқ юзага келиб, улар биргаликда мўғулларга қарши курашадилар.*

(Давоми 2-бетда.)

## ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМ ОСТОНАСИДА: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

***Мана икки йилдирки, олий тиббий таълимдаги ислоҳотлар ўз самарасини бериб, бўлғуси шифокорларни ҳар томонлама комил инсон даражасида тарбиялаш тамойиллари изчил амалга оширилмоқда.***

Жумладан, олий тиббий таълим давомлилигининг бир йилга қисқартирилиши, олийгоҳнинг илк босқичлариданоқ талабалар клиник фанлар, шу жумладан хирургияга келишлари таҳсинга сазовор ўзгаришлардан. Негаки, назариёт ва амалиётни бир вақтнинг ўзида ўзаро уйғунлаштириб сабоқ бериш, таълимнинг остонасидаёқ бўлғуси шифокорларни клиник фанлар ва беморлар билан мулоқотга киришишини таъминлаш уларнинг келажакда комил инсон, дунёқараши кенг шифокор сифатида шаклланиши учун дастлабки қадам ҳисобланади. Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедрасида бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилган. Жумладан, болалар хирургияси кафедрасига биринчи курснинг Даволаш ва Тиббий педагогика факультетлари талабалари 32 соат амалий машғулот ва 4 соат маърузалар тинглаш учун келадилар. Маърузалар бой клиник, педагогик тажрибалар, илмий тиббий адабиётлар, тақдимот (презентация) материаллари асосида яратилган бўлиб, унда талабалар бугунги кун клиникаси, жумладан хирургия, деонтология, касб этикаси, шифокор қасамёди, шифокор сақлаши лозим бўлган сир-асрорлар хусусида назарий билимларини бойитадилар. 32 соатли амалий машғулотларимиз кафедра аудиториялари, Ўзбекистон Республикаси Болалар Кам инвазив эндовизуал Хирургия илмий амалий марказида, Академиямиз клиник базаси ҳисобланмиш 2 клиниканинг Хирургия қабул бўлимида, кафедрага тегишли бўлган айрим поликлиникаларда ўтилади. Мазкур соатлар мобайнида талабалар клиникаларда навбатчиликка жалб қилинади, боғлов хоналарида, қабулхоналарда, палаталарда беморлар билан бевосита мулоқотда бўлади.

(Давоми 3-бетда.)

Ҳикмат

*Офтоб овораси бўлиш ҳам бахтдир,*
*Ва лекин қошингда турган ой нақддир.*

Ҳикмат

# БУЮК СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

*1370 йил баҳорида Амир Темур амир Ҳусайнга қарши йўлга чиқади. Қўшин Термиз яқинидаги Биё қишлоғига етганда маккалик шарифлардан Саййид Барака Амир Темур фаолиятини қўллаб-қувватлаб, унга олий ҳокимият рамзи катта ноғора — табл билан ялов — байроқ тортиқ қилади. Шубҳасиз бу воқеа катта сиёсий аҳамиятга эга эди. Чунки у салтанатлик рамзи эди. Амир Темур буни яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам Балхга етмасдан Ўрпуз мавзеида у амир ва нўёнлари билан кенгаш ўтказади. Кўпчиликнинг хоҳиш ва ихтиёри билан, ўша давр қонун-қоидаларига кўра, чингизийлар авлодидан бўлган Суюрғатмиш ўғлон Моваруннаҳр подшолиги тахтига ўтқазилди. Амир Темур қўшини то Балхга етиб боргунича, унга йўл-йўлакай янги-янги кучлар келиб қўшилди. Шу аснода амир Ҳусайнни кўпчилик амирлари тарк этдилар. Жангда амир Ҳусайн қўшинлари енгилди, икки кунлик қамалдан сўнг, 1370 йилнинг 10 апрелида Балх шаҳри Амир Темурга таслим бўлди. Амир Ҳусайн асир олиниб, қатл этилди. Бу ғалабадан сўнг Амир Темур Моваруннаҳрнинг чингизийлардан бўлган ҳукмдори Қозонхоннинг қизи Сароймулк хонимни ўз никоҳига олади. Хон қизига уйланганлиги муносабати билан Амир Темур "кўрагон", яъни "хоннинг куёви" унвонини олди.*

*Мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаб, кўпдан давом этиб келаётган ички тарқоқликка барҳам бериш, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш мақсадида Амир Темур (1370 йил июнида) Самарқандда катта қурултой чақирди. Унда марказий давлат тизимини шакллантириш ва қўшин тузиш масалалари муҳокама этилди.*

*Эл-юртни бошқаришда ҳарбий кучнинг аҳамиятини яхши тушунган Амир Темур қўшиннинг тузилишига катта аҳамият берди. У "амир" ва "амир ул-умаро" каби юқори даражали ҳарбий унвонлар жорий қилди. Қўшинни ҳарбий жиҳатдан ислоҳ қилар экан, у айниқса лашкарбошиларни танлаш ва уларни тарбиялаш, ҳарбий қисмлар ва уларнинг жойлашиш тартиби, навкар ва сарбозларнинг қуролланиши ҳамда интизом масалаларига ниҳоятда эътибор беради.*

*Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, дастлабки вақтлардаёқ мамлакатда рўй берган оғир иқтисодий тангликни бартараф қилиш учун энг аввало солиқ тизимини тартибга солди. Давлат солиқларини йиғишда аминлар, калонтарлар ва солиқ йиғувчиларни раъиятга нисбатан инсоф ва адолатли бўлишга, қонунга хилоф иш тутмасликка чақирди, чунки салтанатнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан раъиятнинг ҳол-аҳволи, унинг давлат ва давлат бошлиғига бўлган садоқатига боғлиқ. Раъиятни ҳимоя қилиш қонун билан мустаҳкамланган, қонун барчага баробар бўлган. Амир Темур нафақат ўз халқини, балки забт этилган мамлакатларнинг аҳолисини ҳам имкони борича қонун ҳимоясига олган..*

*Амир Темур Моваруннаҳрни мўғуллар ҳукмронлигидан озод этиб, бу қадимий мамлакатда мустақил давлат барпо этган бўлса-да, ҳали мамлакатда барқарор тинчлик ўрнатилган эмас эди. Шунинг учун ҳам Амир Темур дастлабки йилларда мамлакат сарҳадлари хавфсизлигини таъминлашга катта аҳамият берди. Исёнчи амирларга қарши шафқатсиз кураш олиб борди.*

*Амир Темур — буюк давлат асосчиси. У Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қадар, Сирдарё ва Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар ғоят катта ҳудудни қамраб олган марказлашган улкан салтанатга асос солди. Бундан ташқари, Амир Темур давлатига Кичик Осиё, Сурия, Миср ва шимоли-ғарбда Қуйи Волга, Дон бўйлари; шимоли-шарқда Балхаш кўли ва Или дарёсигача; жануби-шарқда эса Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатлар бўйсундирилди. Амир Темур давлатни ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган. Унинг "...давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим", деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.*

*Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари беқиёсдир. Тарих бу кўҳна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Унинг "Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим" деган сўзлари бунинг ёрқин исботидир. Амир Темурга ҳар бир зафарли воқеа ва севинчли ҳодисани муҳташам меъморлик обидаси барпо этиш билан нишонлаш одат бўлган. Шу мақсадда Ҳиндистон, Шероз, Исфаҳон ва Дамашқнинг машҳур устаҳунармандлари мамлакатда ҳашамдор иморату иншоотлар бино қилганлар.*

*Амир Темур забт этган мамлакатларнинг бир қатор шаҳарлари (Бағдод, Дарбанд, Байлақон)ни қайта тиклади. Амир Темур Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистонда машҳур шайх Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара қурдирган бўлса-да, лекин асосий эътиборини она шаҳри Кеш ва пойтахти Самарқандга қаратди. Кешда отасининг қабри устига мақбара, ўғли Жаҳонгирга мақбара билан масжид қурдирди. Амир Темур ҳукмронлигининг илк даврида Кеш шаҳрини пойтахтга айлантириш ниятида бўлиб, унинг ободончилигига катта аҳамият берди, бу ерда машҳур Оқсарой қад кўтарди. Амир Темур Кешни Моваруннаҳрнинг маданий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Шу боисдан бу шаҳар "Қуббат ул-илм вал-адаб" унвонига эга бўлди.*

*Салтанат пойтахти Самарқанд Амир Темур даврида айниқса гуллаб-яшнади. Шаҳар ташқарисида эса боғроғлар ва бўстонлар барпо этилади. Хусусан Шоҳизинда меъморий мажмуасига мансуб Шодимулк оғо мақбараси, Ширинбека оғо мақбараси ва бошқалар қурилади. Шаҳарда Бибихоним жоме масжиди, Амир Темурнинг қароргоҳи Кўксарой ва Бўстонсаройлар қад кўтаради. Умуман олганда Самарқанд шаҳри Амир Темур даврида ўзининг қадимий ўрни Афросиёбдан бирмунча жануброқда бутунлай янгитдан қурилди. Шаҳар теварагi мустаҳкам қалъа девори билан ўралиб, Оҳанин, Шайҳзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар билан аталувчи 6 та дарвоза ўрнатилди. Моваруннаҳрнинг деҳқончилик воҳаларида, хусусан Зарафшон водийсида ўнлаб суғориш тармоқлари чиқарилиб, деҳқончилик майдонлари кенгайтирилди. Янги қишлоқлар барпо этилди.*

*Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ўз жойига қўйила бошланди. Ўзбекистонда унинг фаолиятини ўрганишга ва уни оммалаштиришга кенг йўл очилди. Унинг номи юртимизда абадийлаштирилди. Кўплаб шаҳар ва қишлоқлардаги шоҳ кўчалар, майдонлар, мактаблар унинг номи билан аталди. Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларнинг марказий майдонларида Амир Темурга ҳайкал ўрнатилди, Тошкентдаги Амир Темур хиёбонида Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилди. "Амир Темур" ордени таъсис этилди. Халқаро Амир Темур жамғармаси ташкил қилинди.*

*Буюк давлат арбоби Соҳибқироннинг ўгитлари биз авлодларга қолдирган бебаҳо меросларини ёш авлодга етказиш асосий бурчимиздир. Ёш авлодни ватанпарвар, миллий умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялар эканмиз, буюк Амир Темур тузуклари бизга дастуриламал бўлиб хизмат қилади.*

**А.ШЕРМУРАТОВ,**
**ТТА академик лицейи директори**

*Ҳикмат*

*Тун қадри чироқда экани ростдир,*
*Дийдорни фироққа жуфтламоқ хосдир.*

*Ҳикмат*



***Таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишидир.***

# ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Олий ўқув юртларининг асосий вазифаси бу – жамиятга юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳисобланади. Демак, бўлғуси мутахассис ўзи танлаган мутахассисликни эгаллаши учун ўқиш жараёнида ўқув жараёнини ўзлаштиришнинг турли босқичларидан ўтади. Бу босқичларнинг қайси босқичдалигидан қатъий назар, талаба назарий билимларини амалий кўникмалар билан уйғунлаштириш туфайлигина кўзлаган мақсадига эришади. Бугунги кунда сифатли кадрлар тайёрлаш вазифаси таълим муассасалари зиммасига юксак масъулиятни юклатилганлиги давлатимиз ҳамда даврнинг асосий талабларидан бири.

Шу мақсадда Тошкент тиббиёт академиясида "Олий тиббий таълим ислоҳотларида инновацион педагогик технологияларнинг ўрни ва самарадорлиги" мавзусида навбатдаги XIV ўқув-услубий семинар ўтказилди. Семинар Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейи мажлислар залида бўлиб ўтди.

Уни Тошкент тиббиёт академияси ўқув ишлари бўйича проректори, профессор Ш.Боймурадов кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни семинар дастури ҳамда кун тартибида кўриладиган асосий масалалар билан таништирди. Академия ректори Л.Туйчиев шунингдек, ўз сўзида бугунги кунда мустақил ўз тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, уни янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш, кенг кўламда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини таъкидлаб, алоҳида 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепциясига тўхталди.

Сўнгра академиянинг ўқув ишлари бўйича проректори, профессор Ш.Боймурадов "Тиббий таълимдаги ислоҳотларни амалга оширишда масофавий таълимнинг ўрни", Тошкент шаҳри даги Халқаро Вестминстер университети ўқув бўлими бошлиғи А.Семенов "Талабалар билимини баҳолашнинг кредит тизими – Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети тажрибаси", Самара давлат тиббиёт университети ҳузуридаги инновацион ривожланиш институти директори ўринбосари, профессор Е.Авдеева "Тиббиётда информацион технологияларни қўллаш: илм-фан ишлаб чиқариш модули СамДТУ ҳузуридаги инновацион ривожланиш институти тажрибаси асосида" (онлайн маъруза), Тошкент ахборот технологиялари университети катта ўқитувчиси Ж.Элов "UNISYS – ўқув жараёни мониторинги ахборот тизими", Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети доценти Ҳ.Рўзметова "Таълим сифатини оширишда педагогик технологияларнинг ўрни" мавзуларида қизиқарли маърузалар қилишди. Маърузачилар ўз чиқишларида тиббий таълимда масофавий таълимнинг аҳамияти, кредит тизими, унинг ўзига хос хусусиятлари, талабалар билимини баҳолашдаги ўрни, маърузалар ва амалий машғулотларда замонавий педагогик технологиялар усулларини қўллашни таҳлил қилиш билан бир қаторда ечимини кутаётган кўплаб муамммоларга ҳам тўхталишди. Семинар қатнашчиларида айниқса инновацион технологияларни қўллаш бўйича он-лайн тарзидаги маъруза катта қизиқиш уйғотди ва СамДТУда қўлланилаётган инновациялар билан танишиш имконияти туғилди.

Куннинг иккинчи ярмида семинар иштирокчилари академиянинг маърузалар залларида 9 та: тиббий-биологик ва фундаментал фанлар, тиббий-профилактик, ижтимоий-гуманитар фанлар, терапевтик, жарроҳлик, акушерлик-гинекология фанлари, УАШ тайёрлаш, олий ҳамширалик иши, педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ва ҳарбий-тиббиёт факультети секцияси блокларига бўлинган ҳолда 68 та: тиббиёт йўналиши олий таълими муаммолари, талабаларни юқори савияда ўқитиш усуллари, ўқув жараёнининг сифатини оширишда инновацион технологияларнинг роли, тиббий таълимнинг сифатини оширишда ОТМлар ўртасидаги алоқаларнинг ўрни, ўқитишда инновация ва ахборот технологияларини қўллаш, педагогик технологияларнинг самарадорлиги, инновацион технологияларнинг касбий компетентликни такомиллаштиришдаги ўрни, амалий кўникмаларни ўзлаштиришда симуляцион марказ аҳамияти каби қизиқарли мавзулар бўйича маърузалар, чиқишлар орқали тажриба алмашишди, ўзларининг истак-таклифлари билан ўртоқлашишди.

Шунинг билан бирга маърузачилар ўз чиқишларида умумий амалиёт шифокорини тайёрлашдаги академияда олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш билан бир қаторда ечимини кутаётган: битирувчининг касбий тайёргарлиги ҳақида, амалий кўникмаларни эгаллаш усулларини такомиллаштириш, шахслараро мулоқот кўникмаларини эгаллаш, талабаларни амалий фаолиятга тайёрлаш сифатини ошириш каби долзарб масалалар бўйича ҳам тўхталишди. Анжуман иштирокчилари кўрилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўзларининг таклиф-мулоҳазаларини ҳавола этишди ва барча масалалар юзасидан тегишли резолюция лойиҳасини қабул қилишди.

Ўтказилган навбатдаги XIV ўқув-услубий семинар ўзининг долзарблиги ва амалий жиҳатдан қимматлилиги, фойдали эканлигини эътироф этишди.

**Азимбой ЖАББАРОВ,**
**2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти,**
**Шоира ҚОДИРОВА,**
**2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси катта ўқитувчиси**

*Ҳикмат*

*Ҳар кўзда бир гавҳар, бошқа топилмас,*
*Нафрат ёпган эшик қайтиб очилмас.*

*Ҳикмат*

# ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН БУХОРО

**Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи давлатлар сирасига киради.**

Мамлакатимизда 7 минг-дан зиёд нодир тарихий ёдгорликлар ҳамда бетакрор архитектура намуналари мав-жудлиги, сўлим қўриқхоналар фаолият кўрсатаётгани, мил-лий маданият, санъат ва ҳунармандчиликнинг кўп аср-лик анъаналари асраб-авай-лаб келинаётгани нафақат халқимиз балки хорижлик-ларнинг ҳам юртимизга бўлган қизиқишини янада кучайтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва 2018 йил 6 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлан-тиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъмин-лаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазир-лигининг 2018 йил 30 ав-густдаги 87-02-2456-сонли хатидаги “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доира-сида жорий йилнинг 3-4 март кунлари А.Раззоқов (декан ўринбосари), Х.Тажиева, Х.Юсупхўжаева, З.Галиева ва Д.Азизова (Тиббий ва биологик кимё кафедраси ходимлари)лар бошчилиги-да Тиббий профилактика ва ОМХ факультетининг 50 га яқин талабалари Бухоро ви-лоятидаги бир қатор тарихий обидаларни зиёрат қилиш учун ташриф буюришди.

Ёшларимизни ватанпарвар қилиб тарбиялаш, ўз тарихи, маънавияти ва маданиятидан ғурурланиб яшаши учун бун-дай тарихий обидаларнинг зиёрати жуда катта маънавий озуқа бўлиб хизмат қилади. Бугунги дунёда бўлаётган ғоявий курашлар одамларни ўз домига тортиб кетаётган бир пайтда ёшларимизни фақатгина қадриятларимиз, қадимий маданиятимиз ва маънавиятимиз орқалигина асраб қолишимиз мумкин. Шунинг учун бундай тарихий обидалар ва улуғ алломала-римиз яшаб ўтган жойларни бориб кўриш ва ўрганиш ас-носида ёшлар тарбияланиб, улғайиб боради.

Шундагина биз, ёшлари-мизни комил инсон қилиб вояга етказган бўламиз. Биз олдимизга қўйган мақсадларга тўла эриши-шимиз учун ёшларга барча имкониятлар эшигини очиб беришимиз керак. Зеро, ёш-ларга қаратилган эътибор Ватан тақдирига қаратилган эътибор эканлигини ҳеч би-римиз унутмаслигимиз керак.

**Алишер РАЗЗОҚОВ,**
**Тиббий профилактика факультети**
**Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари,**
**Исломбек АНОРБОЕВ,**
**Даволаш факультетининг 315-гуруҳ талабаси**









*Ит итлик қилади, унга эланма,*
*Ёт ётлик қилади, ундан тиланма.*

Ҳикмат



# СОҲИБҚИРОНИМ МЕНИНГ...

*“Бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз,*
*Биз қурган иморатларга боқинг”*
***Соҳибқирон Амир Темур***

**Миллат, юрт, Ватан, муқаддас тупроқ шаъни, шуҳрати учун жонини фидо қилган улуғ аждодларимиз беҳисоб бўлган. Аммо, уларнинг орасида баайни ёрқин тундаги юлдузга тўла осмоннинг энг ёрқин юлдузи Зуҳал каби яроқлаб турган бир бобокалонимиз бор – бу Соҳибқирон Амир Темурдир.**

Улуғ бобокалонимиз рўйи заминга жаннат инган, самолардан раҳмат ёғилган энг қутлуғ ойлардан бири – шаъбон ойида (бугунги кун ҳисобида 14 апрелда), ҳар 800 йилда бир марта зафар юлдузлари бир қаторга тизилган кунда таваллуд топганлар. Апрелнинг энг баракотли ва илоҳий ойлардан бири дейишимизга жаҳонгирнинг таваллуди билан бирга улуғ Меърож воқеаси (2-3 апрелга ўтар кечаси) ва фахри коинот Расулуллоҳ (с.а.в)нинг таваллудлари (бугунги кун ҳисобида 20-21 апрелга ўтар кечаси) ҳам сабабдир.

Сен тебратган бешигини Соҳибқирон,
Сенинг боланг юлдузларга қўйган нарвон.
Бир майизни қирққа бўлган бир тан, бир жон,
Кунларингга қайтай десанг халқ бўл элим.

Улуғ бобокалонимизнинг зафарли юришлари, давлатчилик сиёсати, тадбиркорлиги, одиллиги, оқиллиги, ҳакимлиги, дунёқарашининг сарҳадсизлиги, қизиқиш кўламларининг кенглиги, шиддати, диний ва дунёвий илмларнинг эгаллаганлиги, икки қўллаб жанг қила олиш санъати, ўша даврдаги замондош ҳукмдорлар билан дипломатик муносабатлари турли миллат, ирқ, дин вакилларининг ақлларини ҳайратга солган, унинг ҳаёти ва фаолиятлари тўғрисида юзлаб тадқиқотлар ўтказилиб, диссертациялар ҳимоя қилинган, минглаб тарихий асарлар яратилган. Замондошлари Шарафиддин Али Яздий ва Ибн Арабшоҳлар бир-биридан фарқли равишда иккита улуғ тарихий асар – Зафарномани яратганлар. Бугунги кунгача сақланиб қолган ушбу мукаммал тарихий асарлар жаҳонгирнинг шарафли ҳаёт йўлини холисона ёритган. Хориж тадқиқотчиларидан Клавихо, Мишель Марлон ҳам буюк жаҳонгир ҳаётининг айрим жабҳаларини холисона, баъзи жиҳатларини муболаға билан битганлар. Инсонлар жамиятидаги энг мукаммал ҳисобланган дастлабки Конституциялар Чингизхоннинг “Ясоқ”лари ҳамда Темур тузуклари эканлиги умумжаҳон тарихчи ва ҳуқуқшунос олимлари томонидан эътироф этилган. Шу билан бирга буюк Соҳибқирон ўзидан аввал яшаб ўтган ва



замондош бўлган диний уламолар, валийлар, олимлар сиймоларига ҳам катта ҳурмат билан қараган. Самарқанддаги кўплаб муқаддас қадамжолар, жумладан ҳазрати Хизр масжиди, Шоҳизинда ансамбли, Гўри Амир мақбараси, Регистон мажмуасидаги кўплаб осори атиқалар, Шаҳрисабз Кўксаройи, Занги ота зиёратгоҳи, Аҳмад Яссавий ансамбли буюк аждодимизнинг хайрли ишларидан қиёматгача хабар бериб туради. Аллоҳ улуғ бобокалонимизни раҳматига олган бўлсин!

**Кутбиддин НИЗОМОВ**

# ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМ ОСТОНАСИДА: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шунингдек, уларга шок, кома, агонал ҳолат, клиник ва биологик ўлим, эвтаназия муаммолари хусусида муфассал тушунчалар берилади. Булар албатта, муаммонинг ижобий жиҳатларидир. Шу билан бирга камчилик ва нуқсонлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Жумладан, биринчи курс талабаларини кафедрага циклик машғулотларга келишлари даволаш ва тиббий педагогика факультетлари томонидан келишилган ҳолда навбатма-навбат ташкил қилинганидан айрим ҳолларда бешинчи курс талабалари билан бир вақтга тўғри келиши ҳисобига иккинчи сменада дарс ўтишга мажбур бўлмасдик. Иккинчи катта муаммо болалар хирургияси кафедрасининг бир қисми жойлашган 7 бинонинг таъмирлашга муҳтож авария ҳолатидаги аудиториялари билан боғлиқ бўлиб, муқаддам клиника ҳужжатхонаси бўлиб, томларидан сув оққан ва чириган қоғозлар, моғорнинг ҳиди босган, яхши иситилмайдиган бу аудиторияларда жаҳон андозалари даражасида сабоқ бериш асло имкони йўқ. Учинчи муаммо дарсликлар билан боғлиқ бўлиб, ТошПМи мутахассислари томонидан яратилган “Тиббиёт касбига кириш” ғализ тил билан, саводсизларча битилганлиги боис замон талабларига жавоб бермайди. Бунинг учун Ўзбекистон терапияси ва касб этикаси ҳамда деонтологиясига улкан ҳисса қўшган марҳум олим Эркин Қосимов қаламига мансуб “Шифокорнинг нутқ маҳорати ва мулоқот санъати” китобини кўп минг нусхада чоп этилиши ва асосий дарслик сифатида қўлланилиши лозим. Ушбу китоб муаммога фалсафий, диний, тиббий, маиший, бадиий жиҳатдан ёндошиб ёзилган ноёб ўқув қўлланмадир.

**Алижон ЗОҲИДИЙ,**
**Россия “Экология и здоровье человека” Халқаро Илмий академияси академиги,**
**Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

*Одамни овора қилган бу дунё,*
*Одамсиз аслида тополмас зиё.*

Ҳикмат

**Фарзандларимизнинг турли радикал ва зарарли ғоялар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик ҳар биримизнинг асосий вазифамиздир. Бу борадаги ишларни янгича ёндашувлар билан давом эттиришимиз керак.**



# ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ – МУҲИМ ВАЗИФА

Уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитети ҳам шунча кучли бўлади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 19 март куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни илгари сурган эди.

Ана шу 5 та муҳим ташаббус эзгу ғоя сифатида Президентимизнинг Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида бошланиб, қисқа вақтда улкан ишлар амалга оширилди. Бу ишлар Наманган вилоятида ҳам давом эттирилиб, "Маърифат карвони" ташкил этилди.

Ушбу 5 ташаббус халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Булар қуйидагилар:

**Биринчи ташаббус** ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

**Иккинчи ташаббус** ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

**Учинчи ташаббус** аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

**Тўртинчи ташаббус** ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

**Бешинчи ташаббус** хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

Бу муҳим 5 та ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича Президентимиз Ш.Мирзиёев 3 апрель куни йиғилиш ўтказди. Йиғилишда бу тажрибани Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида кенг жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини ошириш масаласи бундан буён ҳам энг асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади. Биз Тошкент тиббиёт академияси жамоаси юқорида кўрсатиб берилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаган ҳолда уларни ҳаётга жорий этишда фаол бўлишимиз зарур.

**Д.НОРҚУЛОВ,**
**ТТА Ижтимоий фанлар кафедраси профессори,**
**Ғ.УТАЕВ,**
**ТТА Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси**

Ҳикмат

*Кўзлаган тоғингни чўққисин кўрдинг,*
*Ва лекин бошингни пойига урдинг.*

Ҳикмат





# МАҲОРАТ ДАРСЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим бўғини – инновациялар ҳам бугун ҳар бир соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам ўзининг афзаллигини намойиш қилмоқда.**

Инновация амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифаларнинг 1- банд бўйича белгиланган вазифаларда "ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш" кабилар кўрсатилган. Бу борада республикамизда олиб борилаётган илмий-амалий изланишлар билан бир қаторда хориж мамлакатларининг замонавий, илғор технологияларни ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса чет эллик етук мутахассис профессор-ўқитувчилар томонидан маърузалар, маҳорат дарсларни ташкил этиш амалий аҳамиятга эга.

Маҳорат дарсининг мақсади: ўқитувчи маълум бир фаолият майдонидаги танланган мавзу ёки муаммони, ўзининг шахсий иш тажрибасини педагогик технологиянинг усуллари, услубларидан фойдаланган ҳолда бевосита ва изоҳлаш орқали иштирокчиларга етказиш ҳисобланади. Маҳорат дарсини ўтказиш алгоритми: долзарб мавзу ёки муаммони танлаш, ишлаш учун гуруҳни шакллантириш, муаммони ёритиш ва ечиш, натижаларни ҳавола этиш, уни таҳлил қилиш ва коррекциялаш.

Шу нуқтаи назардан ва Тошкент тиббиёт академиясининг Илмий Кенгашида қабул қилинган қарорга жавобан 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедрасида хориж олимлари иштирокида турли мавзудаги маҳорат дарслари ўтказиб турилади. Жумладан, яқинда март ойининг охирида кафедрада Ҳиндистоннинг Гужарат штати Бародо шаҳрида жойлашган "Юрак ритми институти" асосчилари: Ананд Ахуджа ва Нирав Бхаланилар томонидан "Артериал гипертензияни ташхислаш ва замонавий даволаш" мавзусида ўтказилган маҳорат дарси ўзининг долзарблиги ва аҳамиятлилиги билан ажралиб турди.

Маҳорат дарсида кафедра профессор-ўқитувчилари, "терапия", "кардиология" йўналиши магистр-резидентлари, клиник ординаторлар ва 401-гуруҳ талабалари иштирок этишди. Олимлар ўз чиқишларида дастлаб ўзлари фаолият кўрсатаётган клиника ҳақида, у ерда олиб борилаётган илмий изланишлар, даволашда қўлланилаётган охирги ютуқларнинг аҳамияти ҳақида гапиришди. Жумладан, улар фаолият кўрсатаётган клиникада шу пайтгача 5000 га яқин коронар ангиография ва 2000 та коронар ангиопластика амалиётлари ўтказилган.

Сўнгра эса маърузачилар "Артериал гипертензия" ташхисини ўз вақтида ташхислаш учун хавфли омилларни тўғри баҳолаш, клиник белгиларга эътиборни кучайтириш, тезкор диагностик чора-тадбирларни қўллаш, даволаш усулини шунга монанд танлаш муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидлашди. Маҳорат дарсларида иштирок этганлар мавзуларни ёритишда, таҳлил қилишда ҳар иккала олимга саволлар орқали мурожат қилиб, ўзларининг фикрларини, иш тажрибаларини ҳавола этишди.

Шунингдек, кафедра ходимларидан: А.Жаббаров, Ш Қодирова, М.Максудова, Н.Султановлар ҳам жорий йилнинг февраль ойида Чимкент шаҳрида жойлашган Жанубий Қозоғистон Тиббиёт академиясига ўзаро тажриба алмашиш учун уюштирилган хизмат сафарида ушбу академиянинг "терапевтик фанлар" кафедрасида кафедра ходимлари, клиник ординаторлари ва магистрлари, интернлари учун "Бўғим синдромини қиёсий ташхислаш" мавзусида маҳорат дарси ўтишди.

**Азим ЖАББАРОВ,**
**2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси мудири, доцент**

*9 май – Хотира ва Қадрлаш куни*

# УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ



«Устоз отангдек улуғ» деган ҳикматда олам-олам маъно бор. Ҳатто отани қуёшга қиёс этамиз, кўкларга кўтариб мақтаймиз. Аммо отадай улуғ деб нисбат берилувчи инсон бор, бу – устоздир! Ҳақиқатан, ота-она сени вояга етказади, устоз эса униб-ўсишинг, камолотга эришишинг, илм-маърифат чўққиларини забт этишинга кўмаклашади. Ўз умрини, қалб қўрини, ақл-идрокини, тажрибаси ва билимини сенинг йўлингда сарф этади. Ютуғингни кўриб қувонади, муваффақиятсизлигингдан ғам-андуҳ чекади.

Ўқитувчи боғбонга ўхшайди. У тарбиялаб ўстирган ниҳолларнинг ҳосили қанчадан-қанча авлодларни баҳраманд қилади. Ўқитувчи ва мураббийларнинг масъулиятли, аммо шарафли касбларини бир машъалага қиёс этиш мумкин. Таниқли терапевт, тиббиёт олими ва тиббиёт фанлари номзоди устозимиз Салимов Жўрабой Исламович ҳам шундай шарафли касб эгаси эдилар. Улар ҳаёт бўлганларида 78 ёшга тўлар эдилар. Ўз фаолиятлари давомида минглаб билимга чанқоқ ёшларга таълим-тарбия берганлар. Улар та'лим берган талабалар бугунги кунда етук мутахассис бўлиб етишишган ва халқнинг корига ярамоқдалар. Улар нафақат малакали педагог балки шогирдлари ва ҳамкасбларини маслаҳатгўйи эдилар. Ўз касбларига масъулият билан ёндашар, кўнгли пок-у сўзи пок инсон эдилар. Бирон кишига қаттиқ гапириб дилини оғритганларини эслолмайман. Устозимизда икки улуғ фазилат мужассам эди: бири тавозеъ-камтарлик, иккинчиси авф-кечиримлилик. Улар жуда ҳам олийжаноб ва меҳнатсевар эдилар. Улар ўз фаолиятлари давомида илмий мақолалар, китоблар чоп эттирганлар. Биз шундай малакали етук мутахассис билан фаолият олиб борганимиздан фахрланамиз. Жўрабой Исламович билимдон шифокор бўлиш билан бирга ён-атрофдаги ҳамкасблари ва шогирдларига меҳри баланд, доимо яхшиликни раво кўрадиган хушфеъл ҳамда камтар инсон эдилар.

Бугунги кунда меҳридарё қалб соҳиби, камтар тадқиқотчи орамизда бўлмасалар-да уларнинг ҳамкасблари олимнинг илм чироғини ёқиб келмоқдлар.

**Н.АХМЕДОВА,**
**Э.ДЖУРАЕВА,**
**1-сонли факультет ва госпитал терапия кафедраси доцентлари**

Ҳикмат

*Тонгнинг дийдорини тиловатда кўр,*
*Оиланг осмонида ҳаловатда кўр.*

Ҳикмат

**Ўзбекистон ва Россия ўртасида олий таълим тизимидаги ўзаро стратегик ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариш мақсадида Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикасининг қатор етакчи олий таълим муассасалари ташаббуси билан 8 апрель куни Россия Федерациясининг Астрахань шаҳрида Россия–Ўзбекистон ОТМ ректорларининг минтақавий форуми иш бошлади.**

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Форумда иштирок этиш учун Тошкент тиббиёт академияси ректори Л.Туйчиев бошчилигида ТТА делегацияси Астраханга ташриф буюрди.

Минтақавий форумнинг мақсади Ўзбекистон ва Россия ОТМлари ҳамкорлиги асосида замонавий йўналиш ва мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий-тадқиқот соҳасида ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишдан иборат.

Минтақавий конференцияда асосий масала сифатида олий таълим соҳасида икки томонлама эришилган келишувлар натижаларини муҳокама қилиш ва истиқболли режаларни амалий татбиқ этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Жумладан, 2018 йил октябрь ойида Тошкентда ўтказилган “Янги иқтисодиёт учун – янги кадрлар” биринчи Ўзбекистон–Россия таълим форумида имзоланган ҳамкорлик шартномаларини амалга ошириш ҳамда иккинчи Россия–Ўзбекистон таълим форумини ўтказишга тайёргарлик кўриш масалалари ҳамкорлар томонидан кўриб чиқилади. Шу билан бирга конференция иштирокчилари Россия ва Ўзбекистон ОТМлари ҳамкорликлари доирасида ишлаб чиқилган “Йўл хариталари”ни амалга ошириш босқичлари ҳақида сўз юритадилар.

Маълумот учун, 2018 йил 18 октябрь куни Тошкентда Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикасининг етакчи олий таълим муассасалари ҳамда икки давлат раҳбарлари ташаббуси билан ташкил қилинган “Россия–Ўзбекистон таълим форуми” доирасида ТТА ва Сеченов университети томонидан имзоланган ўзаро ҳамкорлик шартномаси асосида 2019 йил 27 февраль куни Тошкент тиббиёт академияси ҳамда И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети ҳамкорлигида “Университетлараро ҳамкорлик маркази” ташкил этилди. Марказ ташкил этилиши олиб борилаётган ҳамкорлик музокараларининг амалий натижасидир.

Ушбу марказ олий таълим тизимидаги, хусусан тиббий таълим йўналишидаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан тажриба алмашиш жараёнини янги сифат босқичига олиб чиқишга хизмат қилади.

Форум кун тартибига кўра ТТА делегацияси Россия Федерациясининг ҳамкор ОТМлари вакиллари билан икки томонлама ҳамкорлик юзасидан музокаралар ўтказади, шунингдек, делегация аъзолари Астрахань шаҳридаги ОТМларга ташриф буюриб, уларнинг фаолияти билан танишадилар.

Шу каби тадбирлар ТТА ва Россия олий таълим муассасалари ўртасидаги илмий, амалий ва таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, таълим сифатини халқаро босқичга олиб чиқишга ҳамда хорижнинг соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги малакасини чуқур ўрганишга хизмат қилади.

**Халқаро бўлим**

# АҚЛ ВА ХОТИРА КУШАНДАСИ....

*“Чекиш ақлни ўтмаслаштиради, у ижодий иш билан чиқиша олмайди”.*
***Гёте***

Бундан деярли беш асрдан ортиқ Христофор Колумб ва унинг ҳамроҳлари дунёга “тамаки жинни”ни қўйиб юборганларидан бери осмонга учаётган тамаки тутунининг охири кўринмайди. Тамакини ҳидладилар, чайнадилар, трубка, папирос ва сигарета сифатида чекдилар...

Ҳозирги кунда инсонлар асосан сигарета чекишади, бу эса тамаки истеъмол қилишнинг энг хавфли тури ҳисобланади. Жаҳон статистикаси шундан далолат берадики, ҳозирги вақтда ер куррасида яшаётган аҳолининг – эркакларнинг 60 ва аёлларнинг 20 фоизи мунтазам чекади, чекувчилар сони, айниқса, ёшлар, қизлар ва ўсмирлар ўртасида йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Ўтказилган тадқиқотлар кашанда эркакларнинг деярли 1/5 қисми 8-9 ёшидан чека бошлаганлигини кўрсатган, 92 фоиздан ортиқ чекувчилар эса чекишга 19 ёшигача ўрганганлар. Изланишлар ўсмирларни чекишга ундайдиган асосий сабаблар қуйидагилар эканлигини кўрсатади: атрофидаги чекаётган инсонларга (ўртоқлари, ота-оналарига) тақлид қилиш – 26,2 фоиз, қизиқиб чекиш – 24,1 фоиз, шўхлик – 18,2 фоиз, “эркатой” деб аташларидан қўрқиш – 17,2 фоиз, озиш ниятида – 9,7 фоиз, ҳаётда бирор нарсадан эзилиш – 4,6 фоизни ташкил этади.

Одам мунтазам чекканда чекувчининг бош мияси пўстлоғида мустаҳкам шартли рефлектор алоқалар вужудга келадики, улар аста-секин маккор кашандалик-табакоманияга олиб келади. Охирги ўн йилликда фан-техника тараққиётининг жадал ривожланиши, ишлаб чиқаришни компьютерлаштириш, бунинг оқибатида меҳнат мазмуни ва табиатининг тубдан ўзгариши, инсонга тамакининг салбий таъсирларидан бирини очиб берди. Чекиш инсоннинг меҳнат қобилиятига таъсир қилиб, тез-тез ва мунтазам чекиш асаб тизими ҳужайраларини ҳолдан тойдиради, шу туфайли миянинг мантиқий-ахборот йиғиш шаклидаги активлаштирувчи қобилиятини эрта толиқтиради.

Дастлабки, бир-иккита сигарет чекилгандан сўнг мияда қон айланишнинг қисқа муддатли яхшиланиши натижасида гўёки, иш қобилияти ошгандек туюлади, ваҳолонки, бу “сохта рағбат” ҳисобланади. Бу каби ҳолат айниқса, ёшларга ўзининг салбий оқибатини қолдираётганлиги кўплаб тадқиқотларда исботланмоқда.

Жумладан, америкалик олим Дуни Иллинойс университети талабаларининг 3567 нафари билан бўлган савол-жавоблар натижасида чекувчиларнинг 16,7 фоизи дарсларни яхши ўзлаштириши, 45,2 фоизи унча яхши ўқимайдиганлар, 59,1 фоизи эса ёмон ўқишларини аниқлаган. 9 нафар чекувчи ва 9 нафар чекмайдиган талаба билан ўтказилган тажриба эса чекиш таъсирида эслаб қолиш – 4,42 фоизга, сонларни қўшиш – 5,55 фоизга, ҳарфларни ўчириш аниқлиги – 7,09 фоизга камайганлиги кузатилган. Булар эса чекиш таъсирида қоннинг кислород билан тўйинишининг камайиши натижасида кислород танқислигининг юзага келиши ва бундан эса бош мия зарарланиши туфайли юзага келади.

Соғлиқ ҳар бир одамнинг улкан бойлиги ҳисобланади. Шундай экан, бу бойликни асраш, авайлаш лозим, бунда инсон ҳаёти учун зарарли бўлган одатлардан бири – кашандаликка қарши курашни энг аввало оила, сўнгра эса боғча ва мактаб ёшидан бошлаши керак. Чекмайдиган инсонни пассив чекувчига айлантирмаслик ҳуқуқини эътироф қилиш зарур, бу ҳуқуқни эса фақатгина сўз билан эмас, балки маъмурий чора-тадбирлар билан ҳам муҳофаза қилиш лозим! Тамаки чекиш-кашанданинг шахсий иши бўлиб қолмаслиги керак!

Зеро, тоғда яшаган юз ёшли бир кексанинг кашанда йигитга айтган ибратли сўзларини эсга олиш ўринлидир. У шундай дейди: чекишнинг учта ”афзаллиги” бор: кашанданинг уйига ўғри тушмайди – уй эгаси кечаси билан йўталиб чиққанлиги учун, уни ит қопмайди – чунки, у ҳассага таяниб юради, у ҳеч қачон қаримайди, чунки, у ёш ўлиб кетади!

**Шоира ҚОДИРОВА,**
**тиббий педагогика факультети катта ўқитувчиси**

Хикмат

*Олтини увол бўлса, олтини йўққа нима,*
*Қозони қуруқ қолса, хотини йўққа нима?*

Хикмат



# МИЛЛАТ ИФТИХОРИ



***Ўзбек романчилигининг асосчиси, буюк маърифатпарвар, миллат ифтихори Абдулла Қодирий чин маънода халқимиз маънавиятининг чароғбонидир. У кўтарган машъала асрларга қадар нур таратади. Абдулла Қодирий қўлда қалам, қалбда оташ, юракда юрт ишқи сабаб миллат ҳурлиги дея жон берди. У қолдирган адабий мерос абадиятга қадар муҳрланди.***

Абдулла Қодирий 1894 йил 4 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. ХХ аср янги ўзбек адабиётининг улкан намоёндаси, ўзбек романчилигининг асосчиси. 20-йиллардаги муҳим ижтимоий-маданий жараёнларнинг фаол иштирокчиси. Мусулмон мактабида рус-тузем мактабида, Абулқосим шайх мадрасасида таълим олган, Москвадаги адабиёт курсида ўқиган. Эски шаҳар озиқа қўмитасининг саркотиби, “Озиқ ишлари” газетасининг муҳаррири, “Муштум” журнали ташкилотчиларидан ва таҳрир ҳайъати аъзоси бўлиб фаолият юритган. “Тўй”, “Аҳволимиз”, “Миллатимга”, “Фикр айлагил” каби шеърлари, “Бахтсиз куёв” драмаси, “Жувонбоз” ҳикояси ёзувчининг дастлабки асарларидир “Улоқда” ҳикояси, “Калвак Махзумнинг хотира дафтаридан”, “Тошпўлат тажанг нима дейди?” каби сатирик ҳикоялар муаллифи. Биринчи ўзбек романи ҳисобланмиш “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари, “Обид кетмон” қиссаси ёзувчининг улкан маҳоратини ўзида мужассам этган. “Йиғинди гаплар” мақоласи туфайли қисқа муддат қамалган. 1937 йилнинг 31 декабрида эса “халқ душмани” сифатида иккинчи бор қамоққа олиниб, 1938 йил 4 октябрда Тошкент шаҳрида отиб ташланган. Унинг асарлари 1956 йилдан бошлаб оқланган. Алишер Навоий номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати ҳисобланади. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, 1994 йил “Мустақиллик” ордени билан мукофотланган.

Мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ 2019 йилнинг октябрь ойида буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан юртимизда Абдулла Қодирий ижодига бағишланган адабий музей, ижодий мактаб, кутубхона барпо этилади. Адибнинг маҳобатли ҳайкали ўрнатилади. Ёзувчи яшаб ижод қилган уй – Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвоза кўчаси 35 ва 37-уй манзилларида Абдулла Қодирий уй-музейи ташкил этилади, “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан Абдулла Қодирий ҳаёти ва фаолияти ҳақида бадиий фильм, асарлари асосида қисқа метражли фильм яратилиши режалаштирилган. Мамлакатимиз олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий ўрта таълим муассасаларида адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадиий тадбирлар, давра суҳбатлари, ижодкорлар билан учрашувлар уюштирилади.

2019 йилнинг апрель ойида “Абдулла Қодирий ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти” мавзусида илмий конференция ҳамда адиб таваллудига бағишланган тантанали адабий-бадиий кеча бўлиб ўтади. Республика театрларида адиб асарлари асосида спектакллар саҳналаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг халқимизнинг севимли ёзувчиси Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги фармойишида юқоридаги ишларни амалга ошириш назарда тутилган.

Буюк ижодкорнинг ижодий меросини ўрганиш, уни ёш авлод онгига сингдириш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси академик лицейи, академик лицейи раҳбари А.Шермуратов раҳбарлиги остида Ёшлар иттифоқи аъзолари билан биргаликда “Қодирий мероси ёшлар нигоҳида” номли ижодий лойиҳани амалга оширишни режалаштирдилар. Унга кўра, Қодирий яратган асарлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тиллар кафедраси ҳамкорлигида семинар дарслари, мунозаралар, иншолар танловини ўтказиш ҳамда адибнинг шоҳ асари ҳисобланмиш “Ўтган кунлар” романини академик лицей саҳнасида ўзбек ва инглиз тилларида саҳналаштириш кўзда тутилган. Буюк ижодкор уй музейига ташриф, шаҳримиз театрларида намойиш этилаётган адиб қаламига мансуб спектакллари намойишида иштирок йил давомида амалга оширилади.

Ёш авлодни аждодлар руҳига ҳурмат, улар қолдирган адабий меросга садоқат, миллат ифтихорлари руҳига ҳурмат ҳиссини шакллантириш, маънавий дунёқарашини кенгайтириш асосий бурчимиздир. Зеро, дунё эътирофига сазовор бўлган асарлар муаллифи, озодлик куйчиси, миллат ғурури ҳисобланмиш Қодирий сиймоси асрларга қадар мангу яшайди.

**Нигора ҲАКИМОВА,**
**ТТА академик лицейи Ёшлар иттифоқи етакчиси**

Хикмат

*Кўкарган ҳар майса ернинг нидоси,*
*Уни тинглагувчи бордир, худоси.*

Хикмат

## *ТТА бўйича апрель ойида туғилган ҳамкасб, устозларимиз*

| № | Ф.И.Ш. | Туғилган санаси | Кафедра ва лавозими |
|---|---|---|---|
| 1 | Исканджанова Ферузахон Камолдиновна | 04.04.1971 | Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси |
| 2 | Бекмиров Толиб Рашидович | 06.04.1988 | Педагогика ва психология кафедраси ассистенти |
| 3 | Жаббаров Озимбай Отаханович | 25.04.1966 | 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси мудири |
| 4 | Умарова Замира Фахриевна | 16.04.1947 | 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти |
| 5 | Даминов Тургунпулат Абидович | 25.04.1941 | Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси профессори |
| 6 | Максудова Зулфия Санатовна | 15.04.1974 | Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси ассистенти |
| 7 | Джурабаева Мухаббат Хусановна | 12.04.1971 | Фтизиатрия кафедраси катта ўқитувчиси |
| 8 | Ким Денис Петрович | 06.04.1987 | Психиатрия ва наркология кафедраси ассистенти |
| 9 | Рахмонова Гулбахор Эргашовна | 09.04.1981 | Тиббий радиология кафедраси ассистенти |
| 10 | Шихов Ёрбек Оллазарович | 01.04.1988 | Тиббий радиология кафедраси ассистенти |
| 11 | Ахмедов Халмурад Саъдуллаевич | 29.04.1968 | 3-сон ички касалликлар кафедраси мудири |
| 12 | Алиходжаева Гулнарахан Алаутдиновна | 10.04.1945 | Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик кафедраси профессори |
| 13 | Турдибеков Бобур Саидович | 02.04.1982 | Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик кафедраси ассистенти |
| 14 | Абдуллаева Лагия Мирзатуллаевна | 27.04.1957 | 1-сон акушер гинекология кафедраси доценти |
| 15 | Шукурджанова Сурайё Махмудовна | 30.04.1969 | 1-сон ички касалликлари кафедраси доценти |
| 16 | Нарзиев Нурали Мухамедович | 12.04.1979 | Д/Ф Ички касалликлари пропедевтикаси кафедраси ассистенти |
| 17 | Набиева Дилдора Абдумаликовна | 14.04.1974 | 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси мудири |
| 18 | Ризамухамедова Машхура Закировна | 02.04.1954 | 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси профессори |
| 19 | Абдуазизова Наргиза Хакимжоновна | 16.04.1973 | 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти |
| 20 | Нурмухамедова Нозима Собировна | 12.04.1976 | 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти |
| 21 | Ирназаров Акмал Абдуллаевич | 29.04.1980 | 1-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси доценти |
| 22 | Турсунбаев Анвар Каримбердиевич | 28.04.1958 | 2-сон болалар касалликлари кафедраси доценти |
| 23 | Самадов Абдуқаҳор Абдурахмонович | 01.04.1975 | 2-сон болалар касалликлари кафедраси ассистенти |
| 24 | Нормуратов Бахтиёр Қаршиевич | 01.04.1968 | ЛОР ва стоматология кафедраси катта ўқитувчиси |
| 25 | Туйчибаева Нодира Мираталиевна | 22.04.1973 | Неврология кафедраси доценти |
| 26 | Джалилова Сожида Хамраевна | 07.04.1988 | Неврология кафедраси ассистенти |
| 27 | Назирова Саодат Хамидуллаевна | 13.04.1962 | Офтальмология кафедраси доценти |
| 28 | Бектемирова Норбуви Тухтаевна | 18.04.1970 | Анестезиалогия ва реаниматология кафедраси катта ўқитувчиси |
| 29 | Юсупова Бахтигул Джумабаевна | 19.04.1968 | Анестезиалогия ва реаниматология кафедраси катта ўқитувчиси |
| 30 | Нишонов Муроджон Расулжонович | 26.04.1989 | Анестезиалогия ва реаниматология кафедраси ассистенти |
| 31 | Худайбергеноа Улуғбек Атауллаевич | 04.04.1965 | Урология кафедраси ассистенти |
| 32 | Шомаруфов Азизбек Баходир ўғли | 24.04.1985 | Урология кафедраси ассистенти |
| 33 | Салимова Наргиза Джурабаевна | 22.04.1974 | 2-сон ички касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси |
| 34 | Арипова Наргиза Нусратовна | 27.04.1976 | 2-сон ички касалликлари кафедраси ассистенти |
| 35 | Халимова Холида Хакимбаевна | 23.04.1980 | 2-сон ички касалликлари кафедраси ассистенти |
| 37 | Ахмедова Феруза Шахбосхоновна | 21.04.1988 | 2-сон ички касалликлари кафедраси ассистенти |
| 38 | Шодиева Хуршида Тухтасиновна | 04.04.1975 | 2-сон акушер гинекология кафедраси катта ўқитувчиси |
| 39 | Мирзабекова Озода Алимбековна | 13.04.1976 | УАШ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кафедраси ассистенти |
| 40 | Азизова Феруза Хусановна | 06.04.1965 | Гистология ва тиббий биология кафедраси мудири |
| 41 | Курязова Саодат Маткаримовна | 26.04.1974 | Гистология ва тиббий биология кафедраси катта ўқитувчиси |
| 42 | Машарипов Собир | 10.04.1950 | Тиббий ва биологик кимё кафедраси профессори |
| 43 | Юсупходжаева Хуршида Сабирджановна | 29.04.1962 | Тиббий ва биологик кимё кафедраси ассистенти |
| 44 | Сагатов Туляган Агзамович | 16.04.1955 | Анатомия ва клиник анатомия кафедраси профессори |
| 45 | Хасанов Насир Абдусолиевич | 27.04.1966 | Анатомия ва клиник анатомия кафедраси катта ўқитувчиси |
| 46 | Сагдуллаева Махмуда Камаловна | 08.04.1969 | Анатомия ва клиник анатомия кафедраси ассистенти |
| 47 | Ёдгорова Нодира Тургунбаевна | 25.04.1977 | Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси доценти |
| 48 | Аллаева Мунира Журакуловна | 27.04.1967 | Фармакология кафедраси мудири |
| 49 | Нигматуллаева Дилафруз Журакуловна | 12.04.1982 | Атроф-муҳит гигиенаси кафедраси ассистенти |
| 50 | Матназарова Гулбахор Султановна | 26.04.1962 | Эпидемиология кафедраси мудири |
| 51 | Рузиева Бобошер Усарович | 12.04.1982 | Ижтимоий фанлари кафедраси ўқитувчиси |
| 52 | Акрамова Зиёда Шукриллаевна | 20.04.1960 | Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси |
| 53 | Махсумов Музаффар Джахангирович | 06.04.1972 | Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш кафедраси доценти |
| 54 | Туймачев Улмасжон Абдумавланович | 22.04.1987 | Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш кафедраси ассистенти |
| 55 | Ахмедов Тулқин Журакулович | 17.04.1977 | Суд тиббиёти кафедраси ассистенти |
| 56 | Туляганова Махфуза Ахборовна | 19.04.1965 | Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими бошлиғи |
| 57 | Иногамова Камила Рахмонбердиевна | 25.04.1989 | Бухгалтериянинг 1.д. бухгалтери |
| 58 | Орлик Елена Александровна | 20.04.1978 | Илмий-услубий ва ахборот маълумот бўлими 1.д. кутубхоначи |
| 59 | Абдурахимова Васила Бахтиёровна | 09.04.1982 | Ахборот-кутубхона ресурслари бутлаш, каталоглаштириш ва тизимлаштириш бўлимининг 1.д. библиографи |

**ТТА ректорати ва касаба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кунлари билан муборакбод этади.**

Ҳикмат

*Аразга арзимас бу дунё асли,*
*Ғаразга арзимас бу дунё асли.*

Ҳикмат



## *ТТА бўйича май ойида туғилган ҳамкасб, устозларимиз*

| № | Ф.И.Ш. | Туғилган санаси | Кафедра ва лавозими |
|---|---|---|---|
| 1 | Умарова Фарида Саидакрамовна | 18.05.1983 | Педагогика ва психология кафедраси ассистенти |
| 2 | Ахмедова Дурдона Махамадшакировна | 29.05.1974 | Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия кафедраси ассистенти |
| 3 | Сайдалиев Рустам Сайдалиевич | 02.05.1954 | 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси катта ўқитувчиси |
| 4 | Бердиев Қобилжон Бахромович | 02.05.1978 | 2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси ассистенти |
| 5 | Худайқулова Гулнара Каримовна | 04.05.1975 | Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти |
| 6 | Массавиров Шерали Шерикваевич | 03.05.1977 | Фтизиатрия кафедраси катта ўқитувчиси |
| 7 | Қобилов Одилжон Рустамович | 23.05.1977 | Онкология кафедраси ассистенти |
| 8 | Ходжибеков Марат Худойқулович | 07.05.1942 | Тиббий радиалогия кафедраси профессори |
| 9 | Акбарова Дилфуза Суратовна | 02.05.1968 | Клиник фармакология кафедраси доценти |
| 10 | Асилова Саодат Убаевна | 14.05.1954 | Травматология ортопедия, ХДЖ ва нейрожарроҳлик кафедраси профессори |
| 11 | Казаков Шерзод Жуманазарович | 01.05.1985 | Травматология ортопедия, ХДЖ ва нейрожарроҳлик кафедраси ассистенти |
| 12 | Абдуразақова Мухайё Дилшодовна | 09.05.1984 | 2-сон акушерлик гинекология кафедраси ассистенти |
| 13 | Раззақов Шухрат Раббимович | 17.05.1988 | Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси ассистенти |
| 14 | Худайберганова Насиба Шокировна | 17.05.1968 | Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси ассистенти |
| 15 | Назарова Камола Хуснитдиновна | 12.05.1968 | Д/Ф 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси катта ўқитувчиси |
| 16 | Ахмедова Нигора Акбаровна | 19.05.1963 | Д/Ф 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти |
| 17 | Кенжабоев Дулта | 20.05.1942 | Д/Ф 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти |
| 18 | Пулатова Шахноза Баходировна | 13.05.1976 | Д/Ф 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти |
| 19 | Цай Виктория Эдуардовна | 31.05.1990 | Д/Ф 1-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси ассистенти |
| 20 | Худойқулов Эркин Абдураззақович | 06.05.1966 | Д/Ф 1-сон болалар касалликлари кафедраси доценти |
| 21 | Шамсиева Эленора Ринатовна | 23.05.1972 | Д/Ф 1-сон болалар касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси |
| 22 | Ахмедова Гулбахор Хусановна | 29.05.1966 | Д/Ф 1-сон болалар касалликлари кафедраси ассистенти |
| 23 | Нишанбаева Нилуфар Юнусджановна | 04.05.1987 | Д/Ф 1-сон болалар касалликлари кафедраси ассистенти |
| 24 | Холтаева Фатима Файзиевна | 13.05.1969 | Д/Ф 2-сон болалар касалликлари кафедраси ассистенти |
| 25 | Джаббаров Навруз Нарджигитович | 01.05.1976 | Д/Ф ЛОР ва стоматология кафедраси ассистенти |
| 26 | Алимходжаева Парахат Рустамовна | 05.05.1943 | Д/Ф Неврология кафедраси профессори |
| 27 | Ахроров Абдусамад Аристанович | 01.05.1950 | Д/Ф Офтальмология кафедраси доценти |
| 28 | Нарзиқулова Қумрижон Исломовна | 09.05.1978 | Д/Ф Офтальмология кафедраси доценти |
| 29 | Гиясов Шухрат Искандарович | 07.05.1967 | Д/Ф Урология кафедраси доценти |
| 30 | Уринбаева Дилорам Анваровна | 24.05.1969 | Д/Ф 2-сон ички касалликлари кафедраси доценти |
| 31 | Мухтарова Маргарита Зайджоновна | 09.05.1964 | Д/Ф 2-сон ички касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси |
| 32 | Азизова Покиза Хусановна | 29.05.1970 | Д/Ф 2-сон ички касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси |
| 33 | Хайруллаева Санам Сагдуллаевна | 07.05.1979 | Д/Ф 2-сон ички касалликлари кафедраси ассистенти |
| 34 | Мирхайдарова Феруза Сайфуллаевна | 11.05.1987 | Д/Ф 2-сон ички касалликлари кафедраси ассистенти |
| 35 | Мавланов Алимбай | 20.05.1959 | Д/Ф Хирургик касалликлари кафедраси профессори |
| 36 | Наврузов Бекзод Саримбекович | 12.05.1978 | Д/Ф Хирургик касалликлари кафедраси профессори |
| 37 | Рустамов Абдусамат Эшмуродович | 22.05.1965 | Д/Ф Хирургик касалликлари кафедраси доценти |
| 38 | Каримов Ахмаджон Хашимович | 05.05.1956 | Д/Ф 2-сон акушер гинекология кафедраси профессори |
| 39 | Чориева Гулчехра Зулфиқоровна | 15.05.1971 | Д/Ф 2-сон акушер гинекология кафедраси ассистенти |
| 40 | Янгибаева Дилфуза Тулкиновна | 25.05.1989 | Д/Ф 2-сон акушер гинекология кафедраси ассистенти |
| 41 | Гулямова Шахзода Сайпиддиновна | 24.05.1965 | Малака ошириш факультетининг УАШ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кафедраси катта ўқитувчиси |
| 42 | Нуриддинова Феруза Мирусмановна | 22.05.1968 | Малака ошириш факультетининг УАШ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кафедраси катта ўқитувчиси |
| 43 | Расулов Қуддус Илхамович | 08.05.1945 | Гистология ва тиббий биология кафедраси профессори |
| 44 | Турсунов Джахангир Хусанович | 08.05.1986 | Тиббий ва биологик кимё кафедраси ассистенти |
| 45 | Мирасулов Ахмат | 11.05.1946 | Информатика ва биофизика кафедраси профессори |
| 46 | Муллажонов Ислом | 11.05.1946 | Информатика ва биофизика кафедраси доценти |
| 47 | Усманов Равшанбек Джахангирович | 08.05.1954 | Анатомия ва клиник анатомия кафедраси мудири |
| 48 | Оринбаева Зухра Науризбаевна | 09.05.1991 | Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси ассистенти |
| 49 | Сагдуллаева Хосият Абдурахмоновна | 03.05.1971 | Атроф-муҳит, гигиенаси кафедраси доценти |
| 50 | Чулпонов Иброхим Рамазонович | 29.05.1960 | Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси катта ўқитувчиси |
| 51 | Зикирова Нафосат Каршибаевна | 08.05.1980 | Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси |
| 52 | Абраева Шахноза Эсоновна | 18.05.1990 | Тиллар кафедраси ўқитувчиси |
| 53 | Рустамова Хамида Елмесовна | 04.05.1961 | Жамоат саломатлиги соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш кафедраси мудири |
| 54 | Умаров Ботиржон Ахмадалиевич | 07.05.1964 | Жамоат саломатлиги соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш кафедраси доценти |
| 55 | Юлдашева Шахноза Гуламовна | 05.05.1980 | Ўқув услубий бўлим иш юритувчиси |
| 56 | Тожибоев Шерзод Ғуломович | 15.05.1985 | Бухгалтериянинг 1.д. бухгалтери |
| 57 | Бахадирова Нигора Рихсибоевна | 01.05.1986 | Бухгалтериянинг 1.д. бухгалтери |
| 58 | Ахмедов Жобир Мохиржонович | 06.05.1983 | Даволаш факультети декан ўринбосари |
| 59 | Жонқобилова Мавлуда | 05.05.1973 | Даволаш факультети иш юритувчиси |
| 60 | Тураева Саидахон Эркин қизи | 10.05.1996 | Таҳририй нашриёт бўлими техник муҳаррири |
| 61 | Тошбоева Феруза Мирқурбоновна | 09.05.1970 | Илмий-услубий ва ахборот маълумот бўлими 1 тоифали кутубхоначи |
| 62 | Шукурова Иноят Худойбердиевна | 19.05.1946 | Хорижий ахборот кутубхона ресурслари билан ишлаш бўлими мудири |

**ТТА ректорати ва касаба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кунлари билан муборакбод этади.**

Ҳикмат

*«Сегоҳ»нинг садоси самодан экан,*
*Дийдор тил тишлаши видодан экан.*

Ҳикмат